

Кулжанов Олимжон Маматович,
ТМИ доценти,
Маҳмудова Хабиба Ботир қизи,
ТМИ магистранти

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Аннотация. Мазкур мақолада темир йўл транспорти корхоналари харажатларини самарали бошқариш ва назорат қилишининг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Темир йўл транспорти корхоналари харажатларини такомиллаштиришга оид илмий жиҳатдан асосланган муаллифлик таклифлари ишлаб чиқилган.

Аннотация. В данной статье рассматриваются теоретические, методологические и практические аспекты эффективного управления и контроля расходов железнодорожных транспортных компаний. Разработаны научно обоснованные авторские предложения по улучшению затрат железнодорожных транспортных компаний.

Annotation. This article discusses the theoretical, methodological and practical aspects of effective management and control of costs of railway transport companies. Scientifically based author's proposals for improving the costs of railway transport companies have been developed.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, темир йўл транспорти корхоналари, транспорти харажатлари, харажатлар меъёрлари, смета, сметадан оғишиш, маҳсулотнинг норматив каълкуляцияси, тезкор назорат қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш, таннархнинг шаклланиши, бошқарув усули.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, железнодорожные компании, транспортные расходы, нормативы затрат, бюджетирование, оценка затрат, регулирование продукции, оперативный контроль, идентификация и ликвидация, ценообразование, метод управления.

Key words: accounting, railway companies, transportation costs, cost standards, budgeting, cost estimation, product regulation, operational control, identification and liquidation, pricing, management method.

Кириш

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида республикамизда ишлаб чиқариш муносабатларини шакиллантириш аҳолининг ҳаёт фаровонлигини яхшилаш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, инфляция суръатини пасайтириш, жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашув каби масалаларни ҳал қилиш

асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш муҳимдир. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда темир йўл транспорти корхоналари алоҳида аҳамиятга эга. Транспорт коммуникацияларининг ушбу соҳасини бугунги кундаги ривожини таъминлаш учун хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб қилиш ва бу инвестициялардан самарали фойдаланиш орқали хорижий мамлакатларнинг транспорт соҳасидаги замонавий техника ва технологияларни олиб кириш, шунингдек, ўзаро манфаатли транспорт хизматини йўлга қўйиш ва бошқа фаолият турларини юритиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу соҳада улкан ишлар олиб бораётганлигини Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам таъкидлаганидек: “Бугунги кунда Ўзбекистон темир йўллари трансминтакавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгаллади. Бу борада амалга оширилган катта қўламдаги ишларнинг барчаси иқтисодиётимизда юксак натижаларни қўлга киритишга асос бўлмоқда. Темирйўлчиларимиз томонидан истиқлол йилларида 1500 километрдан ортиқ янги темир йўлларнинг барпо этилгани, 1800 километрлик темир йўл линияларининг электрлаштирилгани мамлакатимизни модернизация қилишда улкан қадам бўлди” [1].

Темир йўл транспорти корхоналари асосий фаолият харажатларини узлуксиз назорат қилиш ва уни самарали бошқариш учун тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун эса темир йўл хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари харажатлар тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим.

Адабиётлар таҳлили

Бошқариш учун зарур ахборотлар нафақат корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятини бошқаришда аҳамиятли балки макро ва микро даражада ҳам бирдай аҳамиятлидир. Бу тўғрида К.Б.Ўразов қуйидагиларни таъкидлайди: Бошқариш, ўз навбатида, жамиятнинг макро ва микро бўғинларида юз берган ва бераётган жараёнлар, хўжалик фаолиятини олиб бораётган субъектларнинг фаолияти, уларнинг маблағлари, ушбу маблағларни ташкил этиш манбалари, эришган молиявий натижалари ва бошқа жиҳатлари тўғрисидаги ахборотларни мавжудлигига боғлиқ бўлади [3].

Бошқарув учун зарур маълумотларни асосан бухгалтерия ҳисоби аниқроғи унинг таркибий қисми ҳисобланган бошқарув ҳисоби таъминлаб беради ва унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақида А.Х.Пардаев қуйидагиларни ёзди: Бошқарув ҳисобининг асосий вазифалари:

1. Раҳбарни ишлаб чиқариш ва корхона фаолиятини оператив бошқариш учун зарур фойдали маълумотлар билан таъминлаш;
2. Корхонанинг келажаги ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича

перспектив қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар тизимини шакллантириш ва раҳбарларни шу маълумотлар билан таъминлаш [4].

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари юқори иқтисодий самарадорликка эришиш учун ўз фаолиятлари тўғрисида кенг қамровли маълумотларга эга бўлишлари лозим. Фаолиятни самарали бошқариш энг аввало сарфланаётган харажатларни оптимал бошқариш билан боғлиқдир. Харажатларни оптимал бошқариш учун уларни пайдо бўлиши босқичидан то якунланиш босқичига қадар узлуксиз назорат қилиш ва асосий фаолият харажатлари тўғрисидаги маълумотларининг сифат жиҳатдан ўсиб боришини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун эса асосан фаолият харажатларини бошқарув ҳисобида ҳисобга олишнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш талаб қилинади ва унда қуйидаги масалалар ўз ечимини топиши зарур:

1. Харажатларни сарфланиш йўналишлари ва оғишлари бўйича алоҳида гуруҳларга ажратиш;

2. Харажатларнинг дастлабки ҳисоби кўрсаткичларини мукаммаллаштириш;


3. Харажатларни сарфлаш йўналишлари ва оғишишлари бўйича ҳисобга олувчи счётларни белгилаш ҳамда уларни ўзаро боғланишининг услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш.

Темир йўл компаниясининг таркибидаги ҳар қандай хўжаликда сарфланадиган харажатлар шу йўналишларга йўналтирилади. Ушбу харажатларни назорат қилиш ва белгиланган сметада оғишиш ҳамда уларнинг сабаблари ҳақидаги маълумотларнинг бошқарув аппаратида ўз вақтида етказилиш харажатларнинг оптимал бошқариш учун муҳим қарор қабул қилиш имконини беради. Шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида харажатларни бошқаришда қўлланиладиган усуллари вужудга келди. Бу тўғрисида Б.А.Ҳасанов қуйидагиларни ёзади: «харажатлар меъёрлари, сметалари, маҳсулотнинг норматив каълкуляциясини ишлаб чиқиш, харажатларнинг меъёрий харажатларга мувофиқлигини тезкор назорат қилишга, пайдо бўлган оғишишларни тезкор равишда аниқлаш ва бартараф этишга имкон берди, яъни таннархнинг шаклланиш жараёнини бошқаришнинг янги – оғишишлар бўйича бошқарув усули пайдо бўлди» [5].


Таҳлил ва натижалар

2017-йилда темир йўл транспорти томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари ҳажми 4,7 трлн. сўмга тенг бўлди. Темир йўл транспортида юкларни ташиш бўйича хизматлар ҳажми 4,3 трлн. сўмни ташкил этди, уларнинг улуши (91,3%) темир йўл транспорти томонидан кўрсатилган транспорт хизматларининг умумий ҳажмида устунлик қилади [2].

Темир йўл транспорти томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари таркиби, %



Темир йўл компанияси хўжаликлари сарфланган харажатларнинг йўналишлари ва оғишишлари бўйича ҳисоб юритиш учун уларни алоҳида гуруҳларга ажратиш талаб қилинади. Фикримизча, бу масалаларни 1-чизмада келтирилган тартибда ҳал қилиш мумкин. Хўжаликлар харажатлари сарфланган йўналишлар бўйича гуруҳланади ва улар асосида хўжаликлар харажатлари қайси йўналишлар бўйича қанча сарфланганлиги тўғрисида маълумотлар олиш имконияти пайдо бўлади ҳар бир йўналиш бўйича сарфланган харажатларни назорат қилиш учун оғишиш кўрсаткичларининг қўлланилиши эса уларнинг хўжалик режаси – «Бизнес- режаси» да белгиланган кўрсаткичларга қандай амал қилинаётганлигини тавсифловчи маълумотларни олиш имконини беради. Шу билан биргаликда ҳар бир хўжалик учун хизмат кўрсатиш жараёнида сарфланган харажатларнинг сметадан (режадан) оғишиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам аниқланади.



1-чизма. Темир йўл компанияси хўжаликларига сарфланган харажатларни йўналишлар бўйича оғишиш кўрсаткичлари асосида қўлланилиши [6].

Аммо сарфланаётган харажатларни йўналишлар бўйича гуруҳлаш ҳамда уларда оғишиш кўрсаткичларида қўллаш учун харажатларни ҳисобга олувчи дастлабки ҳужжатлар кўрсаткичларини янада мукаммаллаштириш лозим.

Бунинг учун дастлабки ҳужжатларда ҳақиқий кўрсаткичлар билан биргаликда смета (режа) кўрсаткичлари ва уларнинг оғишишлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим. Шу билан биргаликда дастлабки ҳужжатларда оғишиш сабаблари, сотилиш, яъни нима ҳисобига ўзгариши кўрсатилиши зарур. Агар имкони бўлса унинг сабаблари ва айбдорлари кўрсатилиши лозим.

Республикада бухгалтерия ҳисобини тартибга солишчи меъёрий ҳужжатларда бошланғич ҳисобнинг шакллари корхонанинг ташкилий-технологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришга рухсат берилган. Аммо ҳужжатга хос бўлган мажбурият реквизитлар мавжуд бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам темир йўл транспорти корхоналари ўзига хос технологик хусусиятларидан келиб чиқиб харажатларни ва бошқа хўжалик муаммоларини ҳисобга олишда қўлланиладиган бошланғич ҳисоб хизматларини ишлаб чиқиши лозим.

Фикримизча харажатларни ҳисобга олувчи дастлабки ҳужжат шакллари юқорида белгиланган ахборотларни акс эттира олиши нуқтаи назардан мукаммаллаштириш темир йўл транспорти хўжаликларида харажатларни узлуксиз ва жорий назорат қилиш учун зарур маълумотларнинг дастлабки таъминотини амалга оширади.

Харажатларни сарфланиш йўналишлари ва оғишишлари бўйича алоҳида гуруҳларга ажратишдан кўзланган асосий мақсад – юқорида таъкидланганидек алоҳида хўжаликлар бўйича харажатлар сарфи ва уларнинг белгиланган смета (режа)дан четланиши тўғрисидаги маълумотларни олиш ҳисобланади, аммо ушбу маълумотларни олиш учун уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши лозим. Бунинг учун уларни ҳисобга олувчи бухгалтерия счётларини тайинлаш ва уларнинг ўзаро боғланишини таъминловчи услубий масалаларнинг ечимни бериш лозим. Бу жараёни амалга ошириш бирмунча мураккаб бўлиб бунда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган бошқарув ҳисоби харажатларни ҳисобга олиш тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларда бошқарув ҳисоби счётлари, хусусан харажатлар ва уларнинг оғишишини ҳисобга олувчи счётлар. Корхонанинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда молиявий ҳисоб счётларидан тубдан фарқ қилиши мумкин. Демак жаҳон тажрибасига таянган ҳолда темир йул транспорти асосий фаолияти харажатларини самарали бошқариш учун зарур маълумотларини бухгалтерия ҳисоби счётларида шакллантириш мақсадида харажатларнинг счёти ҳақиқатда ва оғишишларини шунингдек, уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи счётларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда ушбу счётларнинг фақат бир корхона миқёсида амал қилишини ва уларнинг маълумотларининг фақат харажатларни узлуксиз назорат қилиш ва самарали бошқариш мақсадида фойдаланишни эътиборга олиш лозим.

Хўжаликлар харажатларини йўналишлар бўйича гуруҳланиши ва оғишишларни ҳисобга олиш мақсадида қуйидаги счётларни юритиш мақсадга мувофиқдир:

2010-«Ўз хўжаликларига сарфланган харажатлар счёти»;

2020-«МТУ хўжаликларига хизмат кўрсатиш учун сарфланган харажатлар счёти»;

2030-«ЎТЙ» ДАТК хўжаликларига хизмат кўрсатиш учун сарфланган счёти;

2040-«Республика хўжалик юритувчи субъектларига хизмат кўрсатиш учун сарфланган харажатлар счёти»;

2050-«Хорижий мамлакатлар хўжалик юритувчи субъектларига хизмат кўрсатиш харажатлари счёти»;

2010-«Счётда сарфланган харажатлар жойлари бўлинма ва бўлимлар бўйича ҳисобга олинади. Қолган счётларда ҳужжатлар ҳар бир буюртмачи бўйича юритилади.

Ушбу счётларнинг дебетида харажатлар смета (режа) бўйича ҳисобга олинади. Кредит томонида ҳақиқий харажатлар суммаси кўрсатилади. Сметадан оғишиш яъни ортиқча сарфлаш ва тежаш ушбу счётнинг дебети ёки кредитида

ҳисобга олинади. Тежалган сумма ижобий фарқ кредитида, ортиқча сарфланган салбий фарқ дебетида акс эттирилади.

Хўжаликлар харажатларининг йўналишлари бўйича сметадан оғишишларини ҳисобга олиш раҳбарлар ва бошқарув ходимлари учун алоҳида аҳамиятга эга. Сметадан оғишишларни ҳисобга олиш учун қуйидаги счётларни юритиш тавсия қилинади:

2060- «Ўз хўжалиги бўйича харажатларнинг сметадаги оғишиш счёти»;

2070- «Республикада хўжалик юритувчи субъектлари бўйича харажатларнинг сметадаги оғишиш счёти»;

2099- « Хорижий буюртмачиларнинг сметадаги оғишиш счёти»;

2060-2090 – счётларининг дебетида белгиланган сметадан ижобий оғишиш, яъни тежалган суммани акс эттирди. Кредитида эса салбий оғишиш, яъни ортиқча сарфланган харажатлар ҳисобга олинади. Ушбу счётларнинг ҳисобот даври мобайнидаги дебет обороти ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг белгиланган сметага нисбатан кам сарфланганлигини, яъни тежалган суммани билдиради. Кредит обороти эса сметага нисбатан ортиқча сарфланганлигини кўрсатади. Дебет ва кредит оборотларини таққослаш орқали сметага нисбатан умумий оғишиш суммаси, тежалган ёки ортиқча сарфланган сумма аниқланади.

Темир йўл компанияси хўжаликлари ёрдамчи ишлаб чиқаришда сарфланган харажатларни хат йўналишлари бўйича худди асосий ишлаб чиқариш каби ҳисобга олинади. Бунда фақат 2300 счёт қўлланилади. Ушбу счётда харажатларни сарфланиш йўналишлари бўйича сметадан оғишишлар бўйича ҳисобга олиш тартиби худди 2000 счётдаги каби амалга оширилади.

Маълумки темир йўл транспорти корхоналари асосий ёрдамчи фаолият билан шуғулланиш билан биргаликда қўшимча фаолият билан ҳам шуғулланади. Қўшимча фаолиятдан олинган маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматларни сотиш нархларни ўзлари белгилайдилар. Шунингдек олинган даромад ва молиявий натижалар ҳам алоҳида ҳисобга олинади, ҳамда олинган фойда суммаси алоҳида солиққа тортилади.

Қўшимча фаолият билан шуғулланиш корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланишларни билдиради. Аммо асосий ва ёрдамчи фаолият бўйича топшириқлар бажарилгандан сўнггина ишлаб чиқариш қувватларини қўшимча фаолиятда фойдаланиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар


Фикримизча хўжаликлар харажатларини сарфланиш йўналишлари бўйича ҳисобга олишда қўшимча фаолият харажатларини алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Қўшимча фаолият харажатларини ҳисобга олиш учун 2400-«қўшимча фаолиятга сарфланган харажатларни йўналишлари ва сметадан

оғишишини ҳисобга олувчи счётлар номлари тавсия қилинади. Ушбу счётлар бажарадиган вазифасига кўра худди 2000 ва 2300 счётлар каби икки тоифага бўлинади. Биринчи тоифа харажатларни сарфланиш йўналишлари бўйича ҳисобга олувчи счётлар киради. Иккинчи тоифага кирувчи счётлар эса харажатларни белгиланган сметадан оғишишни ҳисобга олиш вазифасини бажаради. Ушбу счётларнинг ўзаро боғланиши 2000 ва 2300 счётлардаги каби амалга оширилади.

Темир йўл транспорти корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари асосий фаолият харажатларининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу харажатларнинг мақсадга мувофиқ сарфланиши, уларнинг белгиланган меъёрдан оғишишни узлуксиз ва жорий назоратини таъминлаш учун ушбу харажатларни хўжаликларнинг ишлаб чиқишни ташкил қилиш нуқтаи назаридан гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш нуқтаи назаридан гуруҳланиши, назорат объекти сифатида белгиланиши лозим.

Темир йўл транспорти корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш цехлар ва улар таркибидаги бригадалар шаклида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам умумишлаб чиқариш харажатларини цехлар ва бригадалар бўйича гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир (2-чизма).



2-чизма. Умум ишлаб чиқариш харажатларининг цехлар ва бригадалар бўйича гуруҳланиши [6]

Вагон таъмирлаш умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш бўйича ҳар бир цех ва бригадаларда алоҳида бўладиган харажатларни ҳамда ушбу харажатларнинг меъёридан оғишишини ҳисобга олувчи счётларда олиб борилиши лозим. Шундай қилиб, харажатларнинг оғишишини ҳисобга олувчи счётлар тежалган ва ортиқча сарфланган харажатларни харажат объектларига ҳисобдан ўчириш жараёнида ёпилади.

Давр харажатлари темир йўл транспорти корхоналарида белгиланган смета асосида сарфланади ва назорат қилинади. Чунки бу харажатлар бевосита

молиявий натижаларда ўз аксини топганлиги учун ҳам солиққа тортиладиган фойда суммасига бевосита таъсир қилади. Шунинг учун ҳам давр харажатлари ва уларнинг белгиланган сметадан оғишишини ҳисобга олиш асосий фаолият харажатларининг бошқа харажатларига нисбатан анча долзарб ҳисобланади.

Темир йўл транспорти хўжаликларида давр харажатлари ва уларнинг сметадан оғишишини ҳисобга олишда фойдаланиладиган счётларни белгилашда тузилган смета таркибидаги харажатлар гуруҳи асос қилиб олиниши лозим.

Темир йўл транспорти хўжаликларида асосий фаолият харажатларининг узлуксиз назоратини таъминлаш ва уларни мақсадга мувофиқ ва тўғри сарфланишини ҳамда белгиланган сметадаги оғишишни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни оптимал бошқаришда зарур бўлган маълумотларни таъминлаш мақсадида тавсия қилинган счётларда харажатлар моддаларини белгилаш алоҳида аҳамият касб этади. Фикримизча бу масалани хал қилишда ҳар бир хўжаликларнинг бизнес-режада белгиланган харажатларни аналитик ҳисобларнинг харажат номенклатураси сифатида қабул қилиш мумкин. Шу билан биргаликда бизнес-режада келтирилган харажатлар йирик ва сезиларли салмоққа эга бўлса уларнинг бир неча харажат моддасига бўлиш мақсадга мувофиқдир. Аммо харажатларни номлашда уларнинг мазмунидан келиб чиқиш ва уларни асосий харажат моддаси бўйича жамлаш имконияти бўлиши лозим. Шундай қилинганда бизнес-режада белгиланган харажат сарфи билан аналитик ҳисобдаги харажатлар номенклатурасини қиёслаш имконияти таъминланади. Бу бухгалтерия ҳисобининг қиёслаш тамойилига амал қилишни таъминлаш билан биргаликда харажатларни сметадан оғишиш тўғрисида қимматли маълумотларни олиш имконини яратади. Харажатларни узлуксиз назоратини маълум бир даврга яқунлаш натижавий маълумотлар олишни таъминлайди. Натижавий маълумотлар маълум бир даврга тузилган ҳисоботда ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан асосий фаолият харажатларининг сарфланиши ва уларнинг белгиланган сметадан оғишиши тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тавсия қилинади. Ҳисобот барча буюртмачилар бўйича харажатлар ва уларнинг алоҳида моддалари асосида белгиланган сметадан оғишиши тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирган ҳолда тузилиши лозим. Бунда ҳар бир буюртмачилар ва уларнинг гуруҳлари бўйича маълумотлар ҳам келтирилиши лозим. Ҳисоботни тузиш жараёнида бизнес-режа ва бошқарув ҳисоби учун бир вақтнинг ўзида тавсия қилинган счётлар маълумотларидан фойдаланилади. Ҳисоботни тузиш жараёнида хўжаликнинг харажатлар сарфи бўйича ойлик фаолиятини таҳлил қилиш ҳам амалга оширилади.

Шундай қилиб темир йўл транспорти хўжаликлари харажат ва уларни самарали бошқариш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу услубларни амалиётга жорий қилиш тармоқ корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш учун

оптимальное управление решений принимается.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RUYXATI

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти жамоасига табрик, 03 август 2018 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/1922>.
2. O'zbekistonda transport xizmatlarining rivojlanishi 2017 yil. <https://stat.uz/uploads/docs>.
3. O`razov K., Vohidov S. Boshqa tarmoqlarda buxgalteriya hisobining xususiyatlari./Darslik.-T.: TDIU nashriyoti, 2011.
4. Pardaev A., Pardaev B. Boshqaruv hisobi./O`quv qo`llanma.-T.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2015.
5. Xasanov B., Xoshimov A. Boshqaruv hisobi./Darslik.-T.:«Sharq», 2011.
6. Амалий маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.